



Кувончбек Тўраев олган суратлар



НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Кеча Алишер Навоий ҳақида гапирилмаган боғчаю мактаб, олий ўқув юрти, тадбирлар ва давралар қолмади. Юртимизда, чин маънода, катта байрам бўлди. Улуғ мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Хусусан, пойтахтимиздаги Адиблар хиёбони эрта тонгдан Алишер Навоийнинг мухлислари - ижодкор зиёлилар, мамлакатимиздаги чет эл дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эллик навоийшунос олимлар, турли вазирлик ва ташкилотларнинг вакиллари, талаба-ёшлар билан гавжум бўлди. Ҳамманинг юз-кўзида қувонч-шодлик, ҳамманинг кўнглида айтмоқчи бўлган сўзи, қалбида улуғ мутафаккирга юксак эҳтиромимиз бор.

Ҳиёбоннинг бир томонида Навоий ижодига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилган бўлса, бир томонда мумтоз наволар жаранги йиғилганларни олис мазий томон етаклади, улуғ мутафаккирни яна бир қарра англашга чорлади. Тантанали тадбирни Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирождин Сайиди очиб, юртимиздаги адабий ислохотларда Алишер Навоий асарларини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва уни хорижий тилларга таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Эрон Ислоҳ Республикаси Машҳад университети профессори Фулом Ризо Размий ўз нутқида Алишер Навоийнинг Эрондаги музей ва фондларда сақланган қўлёзмалари ҳамда ушбу мамлакат ҳудудидаги Навоий барпо эттирган меъморий обидалар ҳақида сўзлаб берди.

Маърифий кечада филология фанлари номзоди Акромжон Деҳқонов Алишер Навоий ижодиёти, унинг ғазалларида тинчлик ва дўстлик ғояла-

рининг тараннуми борасидаги фикрларини баён этди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер Навоийга бағишланган шеърини, ёш таржимон Мадинабону Муҳаммадризаева шоир ғазалларидан ўзи қилган инглизча таржимасини ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетида таълим олаётган хорижлик талабалар шоир ғазалларини ўзбек тилида ўқиб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқулова Навоий ғазалига басталанган кўшиқ янгради.

Бу каби тадбирлар юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтмоқда.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



АКБАР ЖЎРАЕВ ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

Тошкентда давом этаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатининг еттинчи кунги мусобақалари вакилларимиз учун муваффақиятли кечди.

Хусусан, Олимпия ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпиони, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчиси Акбар Жўраевнинг 102 килограммда қитъа чемпионлиги ва «Париж-2024» рейтинг очкоси учун курашга киришиши нафақат юртимиз, балки дунё спорт жамоатчилигининг эътибор марказида бўлди.

Мусобақанинг даст кўтариш баҳсида Акбар Жўраев дастлаб 175 килограммга буюртма берди. Ундан кейин 180 килограмм тошни бўйсундирди, учинчи уринишдаги 183 килограмм тошни эса Жўраев бўйсундира олмади. Шундай бўлса-да, Акбар кўтарган 180 килограмм тошни унга рақобат кўрсатган Хитой тайпейлик Чен По-Жен ҳам, Жанубий корейлик Жанг Ёоак ҳам кўтара олмади.

Шу тарзда истеъдодли спортчимиз Акбар Жўраев даст кўтаришда қитъа чемпионлигини қўлга киритди. Кейинги ўринлар 176 килограмм натижа билан Хитой Тайпейи ва Жанубий Корея вакилига насиб этди.

Мусобақанинг силтаб кўтариш баҳсида ҳамюртимизга Жанубий Корея вакили Жанг Ёоак ва Хитой Тайпейи спортчиси Чен По-Жен рақобат кўрсатди. Ҳар иккиси ҳам ҳамюртимиздан катта фарқ билан орда қолди. Акбар Жўраев биринчи уринишда қайд этган 214 килограммни рақиблари такоррай олмади. А.Жўраевнинг иккинчи уринишда 220 килограмм тошни ҳам бўйсундириши ва икки курашда умумий 400 килограммни ташкил этиши умумий ҳисобда 3 та олтин медалга сазовор бўлишини таъминлади.

Эслатиб ўтамиз, бугунгача қитъа чемпионатидаги умумий медалларимиз сони 17 тани ташкил этмоқда. Шундан 5 таси олтин, 8 таси кумуш, 4 таси бронза медали.

Тўлқин РЎЗИЕВ

Тошкент шаҳри

Ташсис йиғилиши

ТАЛАБАЛАР КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

Ходимлар ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари касабаси уюшмалари томонидан ҳимоя қилиниши барчага бирдек аён. Аммо талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қим ҳимоя қилади? Улар ҳам ўз касабаси уюшмаларига эга бўлиши мумкинми?



Бу саволларга жавобни «Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонундан излаймиз. Мазкур қонунда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касабаси уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек, касабаси уюшмаларига уларнинг уставларига риоя қилиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Кўриниб турибдики, талабаларда ҳам ўзларининг касабаси уюшмаларини тузиш, ушбу йўналишда турли ишларни амалга ошириш имконияти бор.



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида талабалар ташаббуси билан талабалар касабаси уюшмаси ташкилоти тузилди.

Ташсис йиғилишида иштирок этганлар уни ташкил этишнинг фойдали жиҳатлари, ушбу ташкилот томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Жумладан, талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни

моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оғир аҳволга тушиб қолганларига кўмак беришда касабаси уюшмаси ташкилотининг ўрни алоҳида эканлиги қайд этилди.

Ташсис йиғилишида касабаси уюшмаси ташкилоти қўмитаси таркиби, унинг раиси ҳамда ўринбосарлари сайлаб олинди. Касабаси уюшмаси ташкилоти томонидан ўқув йили якунига қадар амалга ошириладиган ишлар режаси ҳам келишиб олинди.

– Қўмита таркибига сайланганлигим зиммамга алоҳида масъулият юклайди, – дейди академия талабаси Камола Абдувалиева. – Талабалар касабаси уюшмасида фаолият юритиш келгусида катта тажриба мактабини ўташи шубҳасиз. Академиядаги қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларга асосий эътиборни қаратишни мақсад қилдим.

Кун тартибига киритилган ҳар бир масала делегатлар томонидан қизгин муҳокама қилинган йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар касабаси уюшмаларига аъзолик талабалар учун катталик керак ва зарурлигини кўрсатди.

Ўз мухбиримиз



Навоий

Тадқиқот

«ИККИ ТИЛ МУҲОКАМАСИ»

Ҳазрат Мир Алишер Навоий (1441-1501) нафақат буюк шоир, мутафаккир ва давлат арбоби, балки ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳам эди. У форсий тил адабиёт тили сифатида қабул қилинган давр ва муҳитда миллий онг-шуур ва жасорат ила туркий тил мустақиллигини ҳимоя қилди ва ўзига хос афзалликларини амалда исботлаб берди. Шунингдек, унинг янада ривожланишига катта ҳисса қўшди. Заҳририддин Муҳаммад Бобур таъкидлаганидек, «Алишербек ўхшаши йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър битибдилар, ҳеч ким унчалик кўп ва яхши ёзган эмас».

Дарҳақиқат, Алишер Навоийдан олдин ҳам, кейин ҳам кўплаб шоирлар туркий тилда асарлар ёзди, лекин ҳеч бири у забот этган чўққиларга чиқолмади, сўзларга у сингари сеҳр бахш этолмади.

Туркий тил ҳимояси, адабиёт оламида унинг мустақкам ўрнини белгилаб бериш Навоий ижодий фаолиятининг пировард мақсади эди. Шунга кўра, бу тилни юксак бадиий тил сифатида қайта ишлашга интилдди ва унга ўзига муносиб кадр-қиммат бағишлади.

Махмуд Кошғарийдан кейин туркий тил ривожини йўлида энг катта хизмат қилган шахс, шубҳасиз, Алишер Навоий эди. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарларида туркий тилни форсчага солиштириб, кўп ўринларда унинг ўзига хос жиҳатларини очиб берди. Бу китоби орқали туркий тилдан воз кечиб, бошқа тилда ижод қилаётганларга олдилади кандай улкан хазина турганини кўрсатишга уринди. Унинг туркийдаги сўз ва иборалар ҳақидаги «Мазкур сўз ва гапларда шундай нозикликлар кўпки, бугунча ҳеч ким буларнинг ҳақиқати устида фикр юртмаганлигидан яширин ҳолда қолиб келган», деган фикри ҳам шундан далолат беради.

Навоий туркий тилнинг қатор устунликларини мисоллар билан изоҳлагач, шундай дейди: «Турк тилининг тўлиқлиги шунча далиллар билан исбот қилинган, бу халқ орасида пайдо бўлган истеъдодли кишилар қобилият ва истеъдодларини, ўз тиллари турган,

бошқа тил билан юзага чиқармасликлари ва ишга солмасликларидан керак эди. Агар ҳар икки тилда айтшга қобилиятлари бўлса, ўз тилларида кўпроқ ва яна бир тилда озроқ айтсалар бўлар эди. Агар орттириб юбормоқчи бўлсалар, ҳар икки тилда тенг айтсалар эди».

Чиндан ҳам, «Муҳокамат ул-луғатайн» Алишер Навоийнинг тил борасидаги маҳоратини кўрсатиб берувчи ноёб асардир. Саройдаги кўплаб шоирлар форс тилида ижод қилаётган бир вазиятда Навоий туркий тилда қалам тебратиб, унинг таъсир кучини ва афзалликларини исботлашга интилади. Шунингдек, ўзининг бой ва юксак она тили бўла туриб, бошқа тилда ёзишга одатланган адабиётга иҳлосман д ёшларни танқид қилади. Жумладан, шундай деб ёзади: «Туркнинг хунарсиз, бечора хушфелъ йигитлари осонлиқни кўлаб форсий тилда шеър айтиш билан шуғулланиб келганлар. Ҳақиқатан, бу тилда шунча кенглик ва майдониди шунча очиқлик топилганлигидан, агар киши яхши ўй-

ласа ва фикр юртса, бу тилда тез айтила олин, гўзал нарсалар ёзиш, шеърлар яратиш ва чиройли ҳикоялар ижод қилиш осонроқ бўлади, воқеда ҳам осонроқдир». «Хамса» ҳам Алишер Навоийнинг туркий тил бойлигини кўрсатишда, адабий имкони ятларини очиб беришда ўз олдига қўйган макссаднинг самараси саналади. У ilk бор туркий тилда шу асарни битиб, форсий тил қобиғидан чиқа олмай юрганларни ўз она тилининг бадиий жозибалари билан яқиндан таништирди.

Алишер Навоий назмий ва насрий асарлари билан нафақат чигатой, балки бутун турк адабиётининг етакчи намоёндаларидан бирига айланди, Марказий Осиёда туркий тил ва адабиёт ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шу боис чигатой тили «На-

воий тили» деб ҳам аталади. Асарлари туркистондан ташқари, Озарбайжон ва Онадолуда ҳам ўқилган. Навоий бобомизни туркийзабон кўлаб шоирлар устоз сифатида эътироф этиб, унинг шеърларига назиралар битишган.

Умуман олганда, адабиёт ва шеърятда ўз ўрнини йўқотиш арафасида турган туркий тил Алишер Навоийнинг ижоди шарофати билан қайтадан жонланди. У бетакор асарлари, қаламининг кучи билан Хитой чегарасидан Онадолугача бўлган барча туркий оламни забт эта олди.

Туркий тил ҳимояси, адабиёт оламида унинг мустақкам ўрнини белгилаб бериш Навоий ижодий фаолиятининг пировард мақсади эди. Шунга кўра, бу тилни юксак бадиий тил сифатида қайта ишлашга интилдди ва унга ўзига муносиб кадр-қиммат бағишлади.

Ойбек СОТВОЛДИЕВ,
Имом Мотуридий
халқаро илмий-тадқиқот
маркази бўлим бошлиғи



Навоийнинг туғилган куни

Бир сана бер февраль айнда
Дилла шеърини тунлар учқунли.
Ул кўйиллар хайкал пойида
Навоийнинг туғилган куни.

Судрамани дер, сўзни ҳар ёққа,
Ғазал – Қоракўзнинг ҳар ёққа.
Ҳар йил мени тунлар сўроққа
Навоийнинг туғилган куни.

Нази озу, кўн дер назибоз,
Ҳофизларнинг хонини сазё,
Шеърининг асрани дер, устоз,
Навоийнинг туғилган куни.

Мини та шеърдор ҳар битта байти,
Ижодида, халқила қайтди,
Истиқлолма шукрона айтди,
Навоийнинг туғилган куни.

Ул кўйиллар пойида бориб,
Ниҳоддан манно ахтариб,
Битикларини тунлар тариб,
Навоийнинг туғилган куни.

Кетмасин дер, ҳар дилдан иймон,
Ватан меҳри жисдидаи мон,
Абвал қалбини поклаин,
Навоийнинг туғилган куни.

Ёр МУҲАММАД

Бир асар шарҳи

Устозга эҳтиром рамзида битилган

КИТОБ

Ғиёсиддин Хондамир (1473-1476 й.) Ўрта Осиё тарихига бағишланган қатор асарлар яратган. Хондамирнинг олим сифатида шаклланишида Алишер Навоийнинг ўрни бекиёс бўлган. Навоий ўзининг бой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берган, шу билан бирга, илмий ишларига раҳбарлик қилган. Хондамир устозига миннатдорчилик рамзи сифатида «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар») китобини ёзади.



Муаллиф ушбу асарда Алишер Навоийнинг юксак инсоний фазилатлари, олижаноб ахлоқи, нодир асарлари, шунингдек, унинг ташаббуси билан қурилган бинолар, унга замондош шоир, олим ва фозил кишилар ҳақида сўзлайди. Тарихчи ўша даврдаги мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан тарихий лавҳаларни мароқ билан ҳикоя қилади.

Тарихчи Алишер Навоийни шундай таърифлайди: «...Амирнинг фазилатлари, олижаноб хулқлари ва чиройли одобларидан бир қисминигина ҳикоя қиладиган бир неча боб ёзилса ва унда унинг аждоғи бўлган сийратлари, мактовга сазовор хулқ-атворлари, бошқаларда кам учрайдиган ҳолатлари ва кайфиятлари, қизиқ ва ғаройиб ишлари, сеҳрли истеъдоди хусусиятлари ва нозик ибораларни қоғозга туширадиган қалами ҳосилалари шарҳланса...».

Асарда ҳазратнинг туғилиши ҳақида ҳам аҳамиятли нуқталар бор: «...Ул ҳазрат таваллудни қушнинг чиқиш вақти бўлган рамазон ойининг ўн еттинчи куни чексиз шароф ва манзилатга эгадир» дея Навоийнинг Қуръони карим ерга тушган ойда туғилганига ишора беради.

Муаллиф Навоийнинг болалигини ҳам маҳорат билан ифодалайди. Ҳазратнинг ўзига хос қобилияти, зеҳни ва ақллиги болалигиданок сезилган: «Болалик чоғларидаёқ ул ҳазратнинг муборак тилларидан ўта ажойиб ва қутилмаган сўзлар чиқар ва (бу сўзларни) эшитганлар хайрат денгизига ғарқ бўлардилар». Ёш боладаги бу хислатлар яқинларини бефарқ қолдирмаган. Тўрт ёшдаёқ унга сабоқлар берили бошланган. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир илмга, адабиётга ихлос қўйган ўз даврининг етук инсонларидан бири бўлган. Улар хонадонда олим уламолар, шоир фузалоларнинг машваратлари бўлиб турган. Ушбу муҳитда камол топган ёш Алишернинг қалбида илмга, адабиётга ўзгача меҳр-муҳаббат уйғонган.

Хондамир илмнинг юксаклигини таърифлар экан, «Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир» деган ҳадисга урғу беради. Бу бахтдан Навоий ҳазратлари ҳам баҳраманд бўлганини вафқ қилади. «... ҳидоятга эришган Амир болалик чоғларидан умрининг охиригача ўзининг баракали вақтининг кўп қисмини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлаб, бир лаҳза бўлса-да турли билимларни ўрганиш ва ҳар хил кўникмаларни эгаллашдан тинмади». Мутлоани жон дидан суйган ҳазрат машхур кишиларнинг асарларини суйиб ўқиган.

Иккинчи Ибн Сино номини олган фикр ва бошқа илмлар билимдони Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий қўлида таълим олган Алишер Навоий ўзининг тиришқоқлиги, илмга чанқоқлиги туфайли устозидан кўплаб мақтов ва олқишлар эшитган.

Навоий доимо устозларини лол қолдирган. Ушбу китобда Лутфий билан бўлган қисқа, лекин асрларга татиғулик суҳбат ҳам киритилган.

Оразин ёпқоқ кўзумдин сочилур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдўз
ниҳон бўлғоқ қуёш.

Ёш ўспирин тилидан янграган ушбу ғазал Лутфийни лол қолдириб, мавлононинг ўн-ўн икки минг байтдан иборат форсий ва туркий ғазалларидан юксак баҳоланган.

Навоий вазирлик лавозимида кўтарилса-да, инсоний фазилатлари қамайманган, аксинча кўпайган. «...Амирнинг салобат ва нуфуз байроғи юқорилаб боргани сайин, ундаги камтарлик ва ҳушфелълик хислати ҳам шунчалик ортиб боради, ҳукмронлик белгиларига эга бўлган ушбу бахтиёрнинг шавкат ва қудрат ниҳоти ўсиб борган сайин, нафси тийишга ва фониликка юз тутишга бўлган уринишлари ҳам шунчалик кучайиб бориб, камтарлик ва йўқлик белгиларини ўзида намоён қиларди».

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



